## «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида

(Боши 1-бетда)

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси унга Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига маблағлар тўпланишини таъминлаш функциялари юкланлигини ҳисобга олган ҳолда:

икки ҳафта муддатда ходимларнинг белгиланган сони доирасида марказий аппаратда ходимлар сони 4 кишидан иборат бўлган тегишли бўлим, вилоят бошқармаларида 3 кишидан ортиқ бўлмаган сектор ташкил этсин, шунингдек туман ва шаҳар солиқ инспекциялари тузилмасига зарур ўзгартиришлар киритсин;

2003 йил 1 октябрга қадар Республика йўл жамғармасига маблағлар тушишини ҳисобга олиш ва назорат қилиш функцияларини бажарувчи кадрларнинг ўқишини ўтказсин.

13. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т.Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 21 август.

# ҚАРЗНИ УНДИРИШ ОСОНМИ?

(Боши 1-бетда)

**Хўш, қарз шартномаси нима ўзи? Унинг аҳамияти нималарда кўринади?**

Бу ҳақида маълумот беришни сўраб , Ўзбекистон Республикаси Олий суд судьяси Файзулло Абдуазимовга мурожаат қилдик.

-Қарз шартномасига асосан қарз берувчи қарз олувчи ихтиёрига пул ёки сон, миқдор ўлчовдаги бошқа мулкни беради. Ҳар икки томон зиммасида шартномада ёки қонунда кўрсатилган шартларга асосан мажбуриятлари бўлади. Қарз шартномасига кўра олинган нарса қарз берувчига қайтарилиши лозим бўлиб, унинг тартиби ва муддати шартномада алоҳида қайд этилади. Агар қайтариш муддати кўрсатилмаган бўлса, у қарз берувчи талаб қилган вақтда қайтарилиши шарт.

Фуқаролар ўртасида қарз шартномаси, агар бу қарзнинг суммаси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, оддий ёзма шаклда тузилади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси 733-моддасига мувофиқ, агар қарз олувчининг тилхати ёки унга қарз берувчи муайян сумма, муайян миқдордаги ашёлар берганлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат мавжуд бўлса, қарз шартномаси ёзма шаклда тузилган ҳисобланади.

Яна бир муҳим жиҳат, қарз шартномаси кўп ҳолларда текинга тузилади. Фуқаролар ўртасида қарз шартномаси одатда текинга тузиладиган шартнома ҳисобланади.

**-Қонунга асосан қарз берувчининг фоиз олиш тартиби қандай? Шартномада бунга ҳам тўхтаб ўтиладими?**

-Агар тарафлар ўртасида тузилган қарз шартномасида қарз берувчи олинган қарз суммасидан тегишли миқдорда ҳақ олиши, фоиз ҳисобида ёки бошқа шаклда манфаатдор бўлиши белгиланган бўлса, қарз берувчи қонунга асосан фоиз олиши мумкин. Фоизлар тўлаш тартиби ва муддатлари қарз шартномасида кўрсатилади. Агар шартномада фоиз миқдори кўрсатилмаган бўлса, қарз берувчининг фоиз тўлашни талаб қилишга ҳаққи бўлмайди.

Фоиз эвазига бериладиган қарз замирида қарз берувчининг моддий манфаатдорлиги бўлганлиги боис у берган қарздан имкон борича кўпроқ фойда олишга интилади. Қарз олувчи эса олган қарзининг фоизи ошиб кетмаслиги учун тезроқ қутулишни хоҳлайди. Агар қарздор фоиз эвазига олган қарзини шартномада белгиланган муддатдан олдин қайтариш имконияти бўлса, бунда қарз берувчининг розилиги талаб этилади. Негаки, қарз берувчи мўлжалдаги фойдани ололмаслиги мумкин.

**-Шу ўринда бевосита суд амалиётида қарз шартномасига доир ишлар таҳлилига ҳам тўхталиб ўтсангиз?**

-Кейинги пайтларда қарз шартномаси билан боғлиқ ишларга суд амалиётида тез-тез дуч келинаётганини эътироф этиш керак. Аксариятида фуқароларимизнинг қарз шартномаси хусусида билмасликлари, бу борада ҳуқуқий кўмак олишлари мумкинлигидан бехабарлиги натижасида турли низолар келиб чиққанлигини кўриш мумкин.

Масалан, А. исмли шахс К. исмли шахсдан 3.000.000 сўм миқдоридаги пулларни бир йил муддатда 20 фоизлик устамаси билан қайтариш шарти асосида оддий ёзма шаклда қарз битимини имзолаган. Муддат тугашига бир ой қолганда қарз берувчи қарзни қайтаришни талаб қилган. Қарз олувчи қарзни қайтаришни кафолатлаш мақсадида ўзи яшаб турган уйни сотиш ҳуқуқи билан қарз берувчига нотариал идорада расмийлаштирилган ишончнома берган. Қарзни қайтариш муддати тугагач, қарз берувчи қарз олувчининг ишончномаси асосида уйни сотиб пулини қарз суммаси эвазига олиб қолган.

Суд бу ишни кўриб чиқиб, қарз олувчининг даъво талаби асосида унинг уйи бўйича тузилган олди-сотди шартномаси суд қарори билан ҳақиқий эмас, деб топилиб, қарз берувчига қарзни ундириш тўғрисида судда даъво қўзғатиш ҳуқуқи тушунтирилган.

**-Қарз шартномаси билан боғлиқ ишлар бирмунча чигал ва бунда ишни кўраётган судьядан масалани моҳирлик билан еча олиш талаб этилади. Табиий, мана шундай ишлар судлар томонидан тўғри ҳал этиляптими, деган савол ҳам туғилади?**

-Бир мисол келтирай. Қарз шартномаси билан боғлиқ бу иш ҳам айнан юқоридаги ҳолатга ўхшаш. Бунда ҳам фуқаро Ш.А. 1998 йили таниши В.К.дан "Изуси-Миди" русумли 2.000.000 сўмга баҳоланган автомашинани расмийлаштирилган олди-сотди шартномаси асосида сотиб олади. Пулнинг бир қисмини бериб, қарзнинг қолган қисмини бир йил муддатда тўлаш кафолати сифатида ўзига тегишли уй учун В.К.нинг турмуш ўртоғи Р.Ж.га ишончнома беради. Лекин белгиланган муддат тугамай, Р.Ж. уйни бошқа бир кишига сотиб юборади.

Даъвогар Ш.А. бу олди-сотди шартномаси ҳақиқий эмас, деб топишни сўраб судга мурожаат қилади. Фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаблари рад этилган. Сўнг фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция инстанциясининг ажрими билан суднинг ушбу қарори ўзгаришсиз қолдирилган. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 14 сентябрдаги "Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида"ги қарорида уй-жойларга нисбатан олди-сотди шартномаларини ҳақиқий эмас деб топиш даъволари бўйича судлар ишларни кўришда бундай битимлар мулкдорнинг эрки ва хоҳишига кўра амалга оширилганлигини эътиборга олишлари лозимлиги, агар шартнома тарафлар ўртасида бўлган қарзнинг эвазига амалга оширилган бўлса, бундай битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмас, деб топилиши, тарафлар ўртасида бўлган муносабатлар қарз шартномаси мажбуриятларидан келиб чиқадиган қоидалар тартибида ҳал этилмоғи лозим. Хуллас, суд бу ишнинг ҳақиқий ҳолатларини тўлиқ ва холисона кўрмаганлиги, хулосалар асосли эмаслиги аниқлангач, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилди.

Афсуски, бу сингари ҳолатларга суд амалиётида тез-тез дуч келмоқдамиз.

Хулоса тарзида шуни қайта-қайта таъкидлашни истардимки, фуқароларимиз қонунга таяниб иш кўришса, ҳеч қачон ютқазмайдилар. Айниқса, қарз олди-бердисида ёлғиз ишонч ҳеч нарсани кафолатламайди, фақат тузилган қарз шартномасигина кўпгина дилхираликлар, оворагарчиликларнинг олдини олиши мумкин.

**Суҳбатдош: Ф.МАҲКАМОВА**

## ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

***Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ ўн иккинчи сессияси олдидан Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитасининг мажлиси ўтказилди.***

Қўмита аъзолари Олий Мажлиснинг бўлажак ўн иккинчи сессияси муҳокамасига киритилаётган масалалар хусусида фикр алмашгач, қўмита раиси Акмал Саидов Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси билан биргаликда тайёрланиб, парламент сессиясига иккинчи ўқишда тақдим қилинаётган янги таҳрирдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонунга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақида ахборот берди.

Иккинчи ўқишда парламент муҳокамасига киритилаётган "Жамоат фондлари тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси йиғилиш аҳли эътиборига ҳавола қилди. Мазкур қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасидан ўтказилганлиги, мамлакатимизда фаолият юритаётган жамоат фондларининг вакиллари иштирокида бир неча бор муҳокама қилинганлиги, лойиҳа юзасидан жамоатчиликдан 500 дан зиёд таклиф ва мулоҳазалар келиб тушганлиги алоҳида таъкидланди.

Бундан ташқари, қўмита аъзолари 2003 йил "Обод маҳалла йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрланганлиги хусусидаги ахборотни тингладилар. Мазкур Қонунга қўмита томонидан тайёрланган ўзгартиш ва қўшимчалар қизғин муҳокама қилиниб, таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон вазирлар кенгаши раисининг ўринбосари Б. Султоновнинг "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонуннинг республикада бажарилиши хусусидаги ахбороти тингланди.

Йиғилишда нодавлат-нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонунчиликнинг янада самарали ишлаши учун Қорақалпоғистон Республикаси доирасида бир қатор ташкилий-ҳуқуқий ишларни амалга ошириш, тегишли қонунлар тарғиботини кучайтириш бўйича муайян чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга изчил татбиқ этиш зарурлиги таъкидланди.

**"Туркистон-пресс"**




## 50 МИНГ СЎМ

***Ғаффор бобо сотгани ҳўкиз олиб келди. Мол бозори қизиган. Юришга йўл йўқ. Қўйдан тортиб, отгача минглаб жониворлар... Лекин Ғаффор бобонинг ҳўкизи бошқача.***

Роса семирган, ярқирайди. Кўзга иссиқ. Дарров савдоси ўйнади. Ҳўкиз ёнида ўғли. Бобо машинада ўтирибди. Жияни ёрдамчи. Ҳўкиз 400 минг сўмга сотилди. Бир рўмол пул. Ўғли билан жияни ҳам безовта, ҳам хурсанд. Бу ҳолдан Ғаффор бобо ҳайрон қолди. Улар машина ортига ўтишди. Баҳслашишаяпти.

-Ҳа-а?! Нима гап?! – деди Ғаффор бобо.

-Шу... ота... биласизми, шу ҳўкизни 400 мингга сотдик. Олган киши 450 минг берибди. 50 минг кўп. Шуни... шуни қайтиб бўламиз?

-Э-э!! - Ғаффор бобо шаҳд машинадан тушди, - қани сана! Мен 70 га кираяпман. Ҳалигача ҳаром пул емаганман. Бир бечоранинг пулини олиб, жеганимни макруҳ қиламанма?! У уйига бориб зор қақшайди... Ким олган бўлса, кафанига буюрсин, дейди. Менинг отим Ғаффор бобо бўлиб келган... Чоп бозорга! Топ шу одамни! Қайтариб бер пулини!

Мол бозорнинг чекчиси деворга чиқиб бақирди:

-400 мингга ҳўкиз сотиб олган харидор дарвоза ёнига келинг. 50 минг сўм ортиқ берибсиз-о-о! Тез етиб келинг-о-о!

Бир дам ўтди. Харидор ҳовлиқиб келди. "Шу киши", деди ўғли.

-Бу 50 минг сизники, менга ҳалоли етади, - деди Ғаффор бобо.

Харидор пулни олар экан, кўзларига ишонмасдан, қўллари дирдираб дерди:

-Дунёда ҳали имонли одам бор экан... болаларингизнинг ҳузурини кўринг...

## «КЎРМАГАНГА ОЛСАМ...»

***Бектош Хўжамуродов Сурхондарёнинг Какайди қўрғонидан. Ўзи таксист. "Тико" ҳайдайди. Гурунгларини эшитсангиз маза қиласиз.***

-Термиздан чиқдим. Ишонасизми, кўнглим ғалати. Юрагим безовта. Тасодиф рўй берадигандай. Жарқўрғондан Ангорга қараб бораяпман. Ногаҳон ҳайрон қолдим. Ҳей, тавба, дейман. Йўл четида катта зовур. Суви кўп. "Жигули" тумшуғи билан зовур сувига ботиб кетган. 3-4 одам чириллаб айланади. Шартта машинадан тушдим.

-Нима бўлди? Нима гап?

-Ёрдам беринг! Авария! Шофёр ўлиб қолиши мумкин! – дейишди.

Ҳеч ким сувга тушгиси келмайди. Машинанинг орқа томони ҳам сувга ботди. Ечиниб, сувга ташландим. "Жигули"нинг эшигини очиб, хушсиз, сув ютган кишини тортдим. Сувдан чиқардим. Одамлар ёрдамлашди. Манглайидан қон кетаётир. Кўкраги эзилган. Зўрға нафас олади. "Тико"га киритдим. Жарқўрғонга жўнадим. Дўхтирлар 2 соат операция қилишди. Беихтиёр кутиб ўтирдим. Нимагадир кетолмайман, яна ёрдам керак бўладигандай... Тойир ака деган жарроҳ чиқди-да, "5 минут кечикканингизда дўстингиздан ажралардингиз", деди.

Қизиқ, мен у кишини танимасдим. Кўнглим тинчиди, яна бориб кўрдим. Аҳволи яхши, кўнглим тинчиди. Ўйланг-да, индамай ўтиб кетганимда нима бўларди? Кўрмаганга олиб кетсам, одамгарчиликдан чиққан бўлардим. Умр бўйи қийналиб яшардим. Бир одамни ўлимдан сақлаб қолдим.

## КУЙИБ КУЛ БЎЛГАН МУҲАББАТ

***Момомнинг берган бир гурунги ҳеч ёдимдан чиқмайди. Эслаб қайғуга ботаман. Ҳаёт қанчалар шафқатсиз, дейман...***

Қулмурод билан Махфиратнинг ошиқ-маъшуқлиги қишлоққа достон бўлди. Ҳамма биларди. Иккови ҳам ақлли, ҳавасингиз келади. Ота-оналар ҳам рози. Тўй бўлди. Йиллар ўтди. Фарзанд кўришмади. На табиб, на дўхтир қолди. Аммо фарзанд йўқ. Ажрашишди. Бир-бирини суйиб-суйиб, йиғлаб-йиғлаб ажрашишди. Осмон йиғлади. Дунё йиғлади.

Махфират аёли вафот этган Очилди акага турмушга чиқди. Бир йил ўтмай ўғиллик бўлди. Махфират ҳам суюнар, ҳам ичидан ёнарди. "Қулмурод акам ҳалиям фарзандсиз. Э, худо, у кишига ҳам фарзанд ато қил!". Қулмурод яна уйланса-да, фарзанд бўлмади...

Махфират гоҳо ўзининг қишлоғига, отасиникига боради. Қулмуроднинг уйи ёнидан ўтаётганда қайрилиб қарайди. Ўша кишини бир кўрсам эди, дейди. Юраги оловланади. Куйиб кул бўлган муҳаббатига йиғлайди...

Махфират икки ўғилли бўлди. Сўнг касалга чалинди. Ўнгланмади. Вафот этди. Дафн куни қабр бошида ҳаммадан кейин тўрт киши қолди. Очилди ака, икки ўғли ва... Қулмурод...

Момом айтардилар:

-Мен ҳеч бир аёлнинг бундай жураги жониб ўтганини кўрганим жўқ... Қулмурод фарзандли бўлмади, деб куйиб кул бўлди, бечора...

**Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ**

## ФЕРМЕРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

***НАВОИЙ. (ЎзА мухбири Ёрқул УМАР). Навоий вилоят ҳокимлигида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, хусусан, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантиришга бағишланган мулоқот бўлиб ўтди. Унда мутасадди вазирлик, ташкилот, компания, уюшма, йирик қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарлари, туман ҳокимлари, етакчи мутахассислар, ширкат хўжаликлари раислари, фермерлар иштирок этди.***

Мулоқотни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Бугун вилоятда 3 минг 986 фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Уларга бир юз олти минг гектар ер ажратилган. Фермер хўжаликлари, асосан, Навбаҳор, Навоий, Қизилтепа туманларида яхши ривожланган. Ўртачўл ва Маликчўлдаги ерлар тўлиқ фермер хўжаликлари ихтиёрида. Ўтган йили иқтисодий ночор ва самарадорлиги паст 18 ширкат хўжалиги фермер хўжаликларига айлантирилди.

Мулоқот чоғида зарар кўриб ишлаётган бошқа ширкат хўжаликларини ҳам тугатиш ва ерни ўз эгаси - фермерларга бериш лозимлиги таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов, Навоий вилоят ҳокими Б.Рўзиевлар қатнашди.



**Навоий вилояти ички ишлар бошқармасининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга мутасадди этилган ходимлари транспорт воситаларининг техник қаровини назорат қилиш билан бирга аҳоли ўртасида, мактаб ҳамда бошқа ўқув юртларида кенг кўламда тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар.**

**СУРАТДА: йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси масъул ходими, милиция капитани Баҳриддин Ҳалимов ва йўл-патрул хизмати катта нозири, милиция катта лейтенанти Норкул Рўзиқулов.**

Х.ШОПЎЛАТОВ олган сурат.

## "МАҲАЛЛА КУНИ" НИШОНЛАНДИ

***Қоровулбозор туманидаги "Дўстлик" ширкат хўжалигида "Обод маҳалла йили" дастурига биноан маҳалла куни нишонланди.***

- Хўжалик бир неча йиллардан бери давлат олдидаги режаларни бажара олмасди, - деди хўжалик раиси Зокир Хусенов. – Бу йил эса катта хирмон кўтардик. Ғалла режаси ортиғи билан адо этилди. Маҳалла кунига олти юз минг сўмдан ошиқ маблағ ажратилди. Шунингдек тантанада маҳаллалар ёшларининг спорт мусобақалари ҳам ўтказилди. Ўша куни маҳалла аҳлини кўнгилли дам олишларини таъминлаш мақсадида марказдан санъаткорлар таклиф қилинди. Уларнинг куй-қўшиқлари кеча файзига файз қўшди. Хўжаликдаги фермерлар ҳам қўл қовуштириб туришмади. Улар ҳам баҳоли қудрат қўлидан келганча кўмак беришди. Аёлларимиз ҳам турли спорт мусобақаларида иштирок этишди. Ўша куни маҳалладаги кам таъминланган оилалар хонадонларига кириб, ҳол аҳвол сўралди, ўксик дилларни кўнгли обод бўлди.

"Обод маҳалла йили" дастури бўйича хўжалик марказида мўжазгина спорт ўйингоҳи ишга туширилди. Бу ерда маҳалла ёшлари спортнинг ҳар хил турлари билан шуғулланиш имкониятига эга бўлишди. Ўйингоҳда спортнинг бир неча турлари бўйича тўгараклар фаолияти йўлга қўйилди. Хўжаликда теннис корти қурилиши ҳам бошлаб юборилган. Маҳалла спортчилари маҳаллалараро ўтказилган футбол бўйича туман биринчилигида биринчи ўринни эгаллашди.

-Биз ёшларимизни барча спорт анжомлари ва энг замонавий спорт кийимлари билан таъминлаганмиз,-деди З. Хусенов - Шу кунларда маҳалламиз ёшлари кураш бўйича мусобақаларга қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Ажабмаски, "Дўстлик" ширкат хўжалигининг ёшлари жаҳон areналарида юртимиз байроғини кўтаришса. Бу бизнинг умидимиз, орзу-истагимиздир.

**Қашқадарё вилояти,**
***"Туркистон-пресс"***

***Бугунги кунда кредит муассасалари олдидаги энг долзарб муаммолардан бири – бу рискларни бошқариш масаласидир. Ўзбекистон тижорат банклари ва нобанк кредит муассасалари олдида ҳам ушбу муаммо долзарб аҳамият касб этмоқда. Дарвоқе, рисклар – бу кредит бериш фаолияти давомида фойдани ёки кредитнинг ўз қийматини йўқотиш эҳтимолидир. Кредит муассасаси ўз фаолиятидаги заруратлардан келиб чиқиб турли рискларга дуч келади.***

## ЕТТИ ЎЛЧАБ БИР КЕС

**ЖАРАЁН**

Кредит муассасасида рискларни бошқариш – уларни олдиндан кўра билиш, баҳолаш, олдини олиш ва суғурталаш асосида рискларни нейтраллаштиришга ҳаракат қилиш демак. Фикримизча, одатда рискларни нейтраллаштиришга ички механизмлар ва ташқи механизмлар (суғурталаш) ёрдамидаҳаракат қилинади. Масалан, (шартли равишда), кредит муассасаси мисолида рискларни диверсификациялаш ва оптималлаштириш орқали унинг кредит портфелини соғломлаштириш ва муаммовий кредитлар салмоғини камайтириш жараёнига эътибор қилинг. Кредит муассасаси активларининг рискга мойил бўлган қисмининг кўп бўлиши унинг ликвидлигига салбий таъсир қилади, яъни рискга мойил бўлган активлар мавжуд бўлиши – бу уларнинг ўз вақтида қайтиши эҳтимолининг пасайишидан далолат беради. Активлар ўз вақтида қайтмаса банкнинг ўз мажбуриятлари олдида вақтида ҳисоб-китоб қилиши қийинлашади ва унинг ликвидлилиги пасаяди. Бу эса банкка бўлган ишончнинг сусайишига олиб келади.

Шунинг учун банк менежерлари активларни риск даражалари нуқтаи назаридан доимий равишда таҳлил қилиб, унинг устидан мониторинг олиб бориши фойдадан ҳоли эмас. Ваҳоланки, кўрсаткичнинг салбий томонга кетиши банк ликвидлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади, яъни активларнинг ликвидлиги ва риск кўрсаткичлари ҳам бирбирига қарама-қарши кўрсаткичлар бўлиб қолади.

Бу ерда яна бир бошқа ҳолатни кўздан кечириши мумкин: банкда рискли активларнинг ҳиссаси нечоғли кўплиги – унинг юқори даромад олиш учун ҳаракат қилаётганлигидан далолат беради. Аниқроғи, банк активлари қанчалик юқори рискли активларга жойлаштирилса, шунча катта даромад олиш эҳтимоли ҳам юқори бўлади.

Банк активлари барчаси рискга мойил. Уларни аниқлаш ва мавжуд банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликдан ҳамда ҳар бир банк олиб бораётган сиёсатидан келиб чиқиб, ушбу рискларни меъёрида сақлашни таъминлаши керак бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, кредит муассасаси ўз фаолиятидаги заруратлардан келиб чиқиб, турли рискларга хоҳласа-хоҳламаса дуч келади. Фикримизча, кредит муассасаси фаолиятида рискларни диверсификациялаш ва оптималлаштириш орқалигина муаммовий кредитларни камайтиришга эришиш мумкин.

**Азиз РАҲМАТОВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси.**

# ҚАЛЛОБ "ҚАССОБЛАР"

(Боши 1-бетда)

Биринчи вазифани Жаҳонгир Холовнинг истараси иссиқ йигит бўлгани учунми, унинг зиммасига юклашди.

Мўлжал пухта қилингач, 2002 йилнинг 25 октябр куни эрталаб Жаҳонгир Нуробод тумани "Олға" ширкат хўжалиги Олға қишлоғида яшовчи фуқаро Болта Бекмуродовнинг уйига келди. Унга "ҳўкизингизни сўйиб, гўштнинг ҳар бир килосини 2000 сўмдан оламиз ва пулини эртага иккинчи ҳўкизни сўйишга келганимизда оласиз", дея фирибгарлик йўли билан ишончини қозонди. Болта ака ҳам кўнгилчан эмасми, Жаҳонгирнинг ҳийласига лаққа илинди-қўйди. Қолаверса, моллари айнан семирган, сотиш вақти келган – яна боқавериш энди осон эмасди-да.

Кечаси қассоблар Шерзод Одилов бошқарувидаги "Тико" русумли 14 Г 7983 давлат белгили автомашина билан Ж.Холов раҳнамолигида Болта аканикига кириб келдилар. Келишилгандек ҳўкизни сўйиб, 330.000 сўмлик, 165 килограмм гўштни машинага ортишиб жўнаворишди. Эрталаб бозорда гўштни пуллаб бойваччага айланишган йигитлар иш енгил кечганлигидан бир отамлашдилар. Кейинги кун яна режа тузилди. Довуд Тоштемиров бошчилигидаги қассоблар 3 ноябр куни "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги Агронча қишлоғида яшовчи Дилмурод Алқаровнинг уйига келишиб ниятларини айтишди, ёлғон-яшиқ гаплар билан уни ҳам чув туширишди. Улар хонадонидаги ҳўкизни сўйишиб 300.000 сўмлик, 150 килограмм гўштни Шерзоднинг "Тико"сига юклаб, жуфтакни ростладилар. Ўша вақтнинг ўзида гўштни "туя қилиб" олишди.

Мана, яна янги "операция" режаси тузилиши лозим. Эртасига ўлжанинг "мазасини татиган"лар яна ўша Шерзод бошқарувидаги автомашинада "Каттақўрғон" ширкат хўжалиги Нурдум қишлоғида яшовчи Шодиёр Ниёзовни "қармоқ"қа илинтиришга муваффақ бўлдилар. Унинг ҳўкизини сўйиб, пулини сотгандан кейин беришни айтиб, алдов билан ишончига киришиб, жами 519.000 сўмлик маҳсулотни қўлга олишиб, яна қочиб қолишди.

Қабиҳ ниятлари осон амалга ошаётганлигидан хурсанд қаллоблар ҳар бир бажарилган ишдан сўнг роса улфатчилик қилишар, тўйиб спиртли ичимликлар ичардилар. Бундан ором олиб, бироз таскин топгандек бўлардилар. Келгуси режага замин ҳозирлашни ҳам унутишмасди, албатта. Бу гал ҳам воқеа шундай кечди. "Тико" Саройқўрғон қишлоғида яшайдиган Бекмурод Анниев хонадони олдига келиб тўхтади. Режа юз фоиз бажарилди. 147 килограмм гўшт текинтомоқлар жиғилдонига ўтгандек бўлди. Лекин "бузоқнинг югургани сомонхонагача" экан. Фирибгарлар кирдикорларига чек қўйилди. Тергов жараёнида уларнинг қатор жиноий ишлари фош этилди. Шундай қилиб Довуд Тоштемиров ўзганинг мулкини алдаш, ишончини суиистеъмол қилиш, фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида жиноий шериклари билан олдиндан тил бириктириб, уюшган гуруҳ сифатида фуқароларга катта миқдорда моддий зарар етказиб, қасддан жиноятлар содир этганлиги аниқланди.

"Сўнгги пушаймон ўзингга душман",дейишади. Қаноти қайрилган шоввозлар энди навқирон умрларини сим тўсиқлар ортида ўтказишлари муқаррар.

**Собир ҲОЖИМАТОВ,**
**Нуробод тумани ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги.**

# ЧАНГАЛМОЗОР ЙЎЛБАРСИ

(Боши 1-бетда)

Унга Чангалмозорнинг ён-атрофидаги кам ҳосилли, шўрхок майдонлардан 70 гектарини ажратиб беришди.

Уларга ажратилган ер ўзлари яшаётган маҳалладан 4-5 километр олисда эди. Полвон бу ерларга оиласи билан кўчиб келди. Ўша йил қиши билан далага гўнг ташишди. Ернинг шўрини ювишга алоҳида эътибор беришди. Ариқ-зовурларни кавлаб, сув йўлларини тартибга келтиришди.

Баҳор, ёз бўйи тиним билишмади. Ҳосил ҳам меҳнатларига яраша бўлди. 14 гектар ғаллазорнинг ҳар гектаридан 80 центнердан дон, 56 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 31 центнердан пахта ҳосили олинди.

Чўл-чўл бўлиб ҳали бунақа натижани кўрмаган эди.

-Мана, ўзимизни тоблаб ҳам олдик, буёғига Чангалмозорни бемалол ўзлаштирсак бўлади! – деди Маҳмуд полвон. Ва чўлдан яна 60 гектар ер қўшиб берилишини сўраб ариза ёзди...

-Қандай бўларкин, қийналиб қолмайсизми, полвон ака? – сўради раис.

-Иккита катта масала бор, - деди бунга жавобан Маҳмуд полвон, - электр олиб келишга ёрдам берасизлар, каналга битта насос қўйишимизга бироз кўмаклашиб юборасизлар. Буёғи бизга тан.

-Ундай бўлса, келишдик.

Ўша йилнинг ўзида Маҳмуджон "Пахта Банк"нинг "Оқ олтин" бўлимидан 12 миллион сўм кредит олиб, битта "Магнум" трактори харид қилди.

-Чўлнинг танобини шу билан тортамиз, - деди жамоасига...

## НИЯТ ҚИЛГАН ЕТАР МУРОДГА

-Нонни катта тишласанг ҳам гапни катта гапирма, дейдилар. Чангалмозордан 60 гектар қум-қамишзорни қўшиб олибсан, деб эшитдик. Ишқилиб уялиб қолмасанг бўлди-да, жиян!

Маҳмуд полвонга яқин қариндошларидан бири худди шундай деганди.

Йигит сўзидан арслон изидан қайтмас. Қўлида техника бор. Тоғни талқон қилишга қодир ўғилларим, укаларим бор. Кеча ҳам ўн чоғли қишлоқ йигитлари иш сўраб келишди. Қадамлари дадил, кўзлари ёниб турибди. Уларнинг ҳаммасини фермер хўжалигига бажонидил қабул қилди. Боиси ҳаммаси ҳам кўз олдида улғайган болалар. Укалари-ю ўғиллари билан қўшиб ҳисоблаганда қирққа яқин ўтюрак йигитлар жам бўлди. Бу катта бир жамоа дегани. Булар билан ҳар қандай ишнинг уддасидан чиқса бўлади. Чангалмозор икки-уч йил ичида поёнсиз пахта, ғалла майдонларига айланади. Боғлар барпо бўлади. Бунга унинг имони комил!

"Максум" дегани бало экан. Шуни ўйлаб топганнинг отасига минг раҳмат. Иш деганни ямламай ютади. Бир кунда 25-30 гектар майдонни кўрдим демайди. Йигитлар қамишларни ўриб, бу паҳлавон техникага йўл очиб туришди. Унинг ортидан аравасига гўнг, эски тупроқ ортган тракторлар юрди. Асрий шўрхок ерлар бир текис ҳайдалгач қайтадан текисланиб, оби-тобига олинди. Кейин шўр ювишга киришилди.

Эрта кўкламда янги очилган ерлар атрофига терак, тол каби иҳота дарахтлари экилди.

Даланинг шундоқ ўртасидаги пайкал четига фермер хўжалиги ишчилари учун мўъжазгина шийпон, айвон тикланди. Унинг рўпарасига икки қават қилиб, узунасига олма, ўрик, беҳи, бодом, нок, гилос, хурмо каби мевали дарахт кўчатлари ўтказилди. Оралиққа сабзавот экинлари экилди.

Инсон қўли гул экан. Чангалмозор қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди.

...Ўтган йили кўкламда чўлда илк бор бодом гуллади. Ўрик, олма ниҳоллари нишона кўрсатди.

103 гектар пахтазордан 30 центнердан, 25 гектар ғаллазордан эса 79 центнердан ҳосил олинди. Фермер хўжалиги пахтачиликдан 51 миллион, ғаллачиликдан 8 миллион сўм даромад қилди. Умумий соф фойда 35 миллион сўмни ташкил этди.

Фермер хўжалиги аъзоларига иш ҳақидан ташқари 1 тоннагача ғалла тегди. Кам таъминланган оилаларга, боқувчисини йўқотган карияларга 100-200 килодан дон тарқатилди. Мактабни, болалар боғчасини таъмирлашга ёрдам кўрсатишди.

Даромаднинг қолган қисмига битта автобус, битта МТЗ-80 ва битта пахта териш машинаси сотиб олинди.

Бу билан фермер хўжалиги аъзоларининг йўли яқин, оғири енгил бўлди. Пахта сентябрнинг охири, октябрнинг бошида саранжомланиб, келгуси йил ҳосили учун тараддуд кўришга имкон яратилди.

...Ўтган йили пахта режаси бажарилган куни Маҳмуд полвон янги шийпонида ош дамлаб бутун қишлоқни чақирди. Эллик кишилик автобус Мингбулоқ билан Чангалмозор орасида тўрт бор қатнади ўзиям.

## ИШОНЧИ БОРНИНГ ИМОНИ БОР

Маҳмуд полвон билан дала айландик. Чор-атрофга баҳор сеп ёйган. Шийпон саҳнидаги бодом қийғос гуллаган. Ўрик, шафтоли ниҳоллари ғунча туккан. Кўкда увада булутлар сузиб юрибди. Офтоб уятчан қишлоқ қизидай булутлар орасидан дам мўралаб, дам яширинади.

Рўпарадаги пайкалда ям-яшил буғдойзор оҳиста мавжланади.

-Баҳор серёғинроқ келиб, буғдойнинг жони кирди, - дейди Маҳмуд полвон, - қаранг, бўламан деб турибди. Кўпчиликнинг ризқи-да!

Ён томондаги ерда чигит экиляпти. Унинг ёнидаги етилган пайкалда "Максум" тракторини полвоннинг тўнғичи Баҳодиржон бошқаряпти.

-"Максум"ни баъзилар бизга бўлмасакан, тупроқни зичлаштириб юбораркан дейишяпти, сиз нима дейсиз? – кўпдан кўнглимизга тугиб юрган саволимизни берамиз илғор фермерга.

-Ер нам бўлса, оби-тобига келмаган бўлса албатта зичлашади-да, - деди полвон, - ер обдон етилганидан кейин солинса сираям зичлашмайди.

-Ишлатишга боғлиқ денг?

-Албатта-да. Мана ўзингиз кўринг...

"Максум" ишлаётган пайкалга ўтдик. Полвон ҳозиргина "Максум" ўтган ерга чўп суқиб кўрди. Калтак бор бўйи билан ерга кириб кетди.

-Ана кўрдингизми, ер тобида, тупроқ сираям қотмайди, зичлашмайди ҳам, - дейди полвон.

Маҳмуд полвон шундоқ ёнгинамиздан қайрилиб, навбатдаги қаторга бурилаётган трактор кабинасига қараб қўл силкиди. Шундагина ойнаванд кабинадаги Баҳодирнинг ёнида ўтирган икки, нари борса уч ёшлар чамасидаги болага эътибор бердик.

-Баҳодирнинг ўғли, неварамиз, - дейди полвон шодон кулиб, - тракторни яхши кўради. Ишонасизми, шу ёшда мурватини босиб ўт олдиради.

-Қуш уясида кўрганини қилади-да! – деймиз кулиб.

Шийпонга қайтаётганимизда илғор фермердан сўрадик:

-Фермерликнинг бугуни ва эртаси ҳақида нима дейсиз? Бу соҳанинг ютуқ-муаммолари ҳақида-чи?

-Қишлоқда ер эгасини топяпти, - дейди Маҳмуд полвон. – Бу жуда яхши. Қишлоқ хўжалигининг эртасини ана шу фермерликда кўраман. Лекин, очиғини айтиш керак, ерни удда қилган ҳам оляпти, удда қилмаган ҳам. Ўз имкониятларини ҳисобга олмасдан кўзи очлик қилиб йигирма-ўттиз, ҳатто 50-100 гектарлаб ерни олиб, унинг умрини беҳуда ўтказаётганлар ҳам йўқ эмас. На техника, на сармояси бўлмаса-да, катта ерни олиб, фермер бўламан, дейиши томга шотисиз чиқаман, дейиш билан баробар. Ишонсангиз, айрим жойларда "ер бойваччалари" пайдо бўлди. Не-не ваъдалар билан ерни олиб, "гектарчилар"га пуллаб ётишибди. "Гектарчи" дегани шохдан-шохга қўниб юрган читтакка ўхшайди. Бугун бу ерда, эртага бошқа жойда. Кун ўтса, тирикчилиги ўтса, нима қилиб бўлса ҳам фойда олса бўлди. Ерга аямай, шафқатсизларча муносабатда бўлади. Кимёвий ўғитни ҳаромхариш йўл билан топиб, керагидан ортиқ тўкиб ташлайди. Оқибат ер заҳарланиб, нашаванд одамга ўхшаб қолади. Бундан кейин худди ўшанча миқдорда "дори" солмасангиз кутилган ҳосилни бермайди.

Шунинг учун фермерларга ер беришда туман, хўжаликлардаги комиссиялар ҳалол, виждонан ишлашлари керак. Ризқ-рўзимиз, асосий тирикчилигимиз манбаи, бизни боқиб-кийинтирадиган, вақти келса бағрига оладиган, она ерни ҳақиқий эгасига бериш керак.

Энди фермерликнинг баъзи бир муаммоларига келсак, пахтанинг пулини вақтида ололмаяпмиз, оқибат солиқдан, ижтимоий суғуртадан хизмат кўрсатиш ташкилотларидан қарздор бўлиб қоляпмиз. Қарзимиз кун сайин ошиб, биримиз икки бўлмаётгани ҳам бор гап. Биргина мисол, пахта заводда менинг ўзимни 13 миллион сўм ҳақим турибди. Ижтимоий суғуртадан эса 4 миллион сўм қарздорман. Бу қарзни вақтида узмаганим туфайли ҳозир устамаси билан 7 миллион сўмга чиқди. Худди шунингдек йўл жамғармасидан, солиқдан бўлган қарзим ҳам кун сайин ортиб ётибди. Банкка, ҳисоб рақамимизга келиб тушаётган пул эса мақсадли келиб мақсадли кетяпти...

Яна нима десам... фермерга ёпишиб олган ташкилотлар ҳам бор. Масалан, кимё ташкилоти. Ўзи харажат-паражат деб ўғитнинг устига 13 фоиз устама қўяди. Бундан ташқари "темир йўл коди" ҳам бор. Қачондир банкдан олган-у вақтида тўлай олмаган қарзи жаримасини ҳам бизнинг устимиздан сочиб юборяпти. Ўғитни Шаҳрихондан оламиз. Масофа узоқ. Икки-учта машина эрталаб кетиб кечқурун қуруқ қайтди. Эртага берарkan! Эртасига вагон вақтида бўшатилмагани учун темир йўл "кимё"га жарима солади. Бу жаримани эса ишни яхши ташкил қилолмаганларга эмас, бизга юклашади...

Лекин, ҳали янгимиз, янгилик бор жойда камчилик ҳам бўлади. Муҳими, Президентимизнинг бизга ишончлари, бизнинг эса у кишига ишончимиз, эътиқодимиз. Бу ишонч – мустаҳкам. Шундай экан, ҳаммаси яхши бўлади. Тағин беш-ўн йилдан кейин ўзбек фермерларини дунё танийди. У ўз маҳсулоти билан дунёга чиқади. Ишонинглар, албатта, шундай бўлади!

**Ортиқали НОМОЗОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# БОБОТОҒ ПИСТАСИ

***Сурхондарё вилояти ўрмон хўжалиги тизимидаги Боботоғ ўрмон хўжалигининг 26334 гектарини пистазорлар ташкил этади. Бу республикамиздаги барча ўрмон хўжаликларида мавжуд бўлган пистазор майдоннинг энг кўпи демакдир. Боботоғ пахтазорларининг 18 минг гектари табиий пистазорлар бўлиб, хўжаликнинг Файзоба ҳамда Ҳазратбобо бўлимида жойлашган. Мавжуд писта дарахтларининг ёши 700-1000 ёшни ташкил этиб, ҳар 2 йилда бир марта яхши ҳосил бериб туради. Хўжаликдаги 8 минг 334 гектар майдондаги пистазорлар 1946 йилдан то шу кунгача бунёд этилди.***

Боботоғ пистазорларини кўпайтиришга мамлакатимиз мустақилликка эришган сўнгги йилларда алоҳида эътибор берилганини таъкидлаш лозим. Бу ишга Сурхондарё вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси ҳамда Боботоғ ўрмон хўжалиги мутахассислари бош-қош бўлдилар. Натижада ўтган 11 йил мобайнида янги пистазор майдонлар 1125 гектарга кўпайиб, ҳосилдор навларини яратишга эътибор кучайди.

-Бир дона писта ерга тушиб тупроққа тушгач, униб чиқса, - дейди Боботоғ ўрмон хўжалиги директори Хуррам ака Тошбоев биз билан суҳбатда, - билингки, унинг томири замин сари 1 метр илдиз отган бўлади. Писта дарахти кўчати ўта парваришталаб эмас. Сувсизликка ниҳоятда чидамли зироат. 15-18 йилда вояга етиб 25-30 йилда дарахтдаги барча шохлар бир текис мевага киради. Шунинг учун ҳам писта дарахти ўта мураккаб сир-синоатга эга бўлган мевали дарахт ҳисобланади...

**ОНАЖОНИМ-ТАБИАТ**

Бугунги кунда хўжаликнинг тажриба участкасида табиий танлов йўли билан кўпайтирилган писта дарахти кўчатлари етиштирилмоқда. Ўрмон хўжалиги ҳудудидаги Катта намозгоҳ, Файзоба, Қоплонсой, Кичик Морқатсой, Чилвирдара мавзеларидаги трассаларда янгидан-янги пистазор майдонлар яратилмоқда.

Писта дарахти ҳам ток дарахти сингари ҳар йили ғуж-ғуж ҳосил тугади. Лекин ёз фаслининг ўта иссиқ ва қуруқ келиши туфайли писта дарахти мевасининг етилишига катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам гоҳида бутун бир сой ёки шу сойдаги жилғада ўсаётган ҳосилдор дарахтлардан бир ҳовуч ва тўқ писта меваси териб ололмайсиз. Шунинг учун ҳам боботоғлик ўрмончилар мавжуд катта-катта сой ва жилғаларнинг доимий шамол эсиб, енгил шабада мавжланиб турадиган қисмига "ТУ-1", "ТУ-2" нав писта дарахти кўчатлари экишни йўлга қўйдилар. Иккинчидан эса писта дарахти ва унинг мевасига энг катта зарар етказадиган "мўр" – баргхўр яшил пилла қурт шамол эсиб турадиган жойлардаги дарахтларга сира ҳам яқинлаша олмайдилар.

Пистазорларни қўриқлаш, уни чорва моллари томонидан пайҳон қилинишининг олдини олиш, зарарли ҳашаротлардан ҳимоя қилишда Рустам Арабов, Дўсёр Хайдаров, Бекмурод Омонов каби кўплаб ўрмончиларнинг меҳнати, саъй-ҳаракати катта бўлмоқда. Хўжаликнинг махсус биолабораторияси фаолият кўрсатиб, тажрибали мутахассис Чори Абдураҳимов пистазорларга биологик ишлов беришни йўлга қўйди.

Боботоғ ўрмон хўжалиги ҳар йили ўртача 35-38 тонна писта мевасини истеъмолчиларга етиштириб бермоқда. Республикамизнинг озиқ-овқат, фармацевтика, лак-бўёқ ва парфюмерия саноати учун ниҳоятда зарур қимматбаҳо хом ашё манбаи ҳисобланган тоғ пистаси етказиб беришга ихтисослашган ягона ўрмон хўжалигида яратувчилик ишларига эътибор берилмоқда. Етти хазинанинг бири - ўрмонзорларимиз кўрки, зийнати бўлган пистазор майдонлари кенгайтирилиб келгуси авлодларга етказишга астойдил ҳаракат қилинаётир.

**Сафарали ЭШМИРЗАЕВ**

***Термиздаги "Истиқлол" супермаркетида кузги ва қишки мавсумга мўлжалланган турли кийим-кечаклар, ҳар хил русумдаги пойафзаллар, мебеллар, кундалик эҳтиёж моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари кўргазма-ярмаркаси очилди.***

# "ИСТИҚЛОЛ" КЎРГАЗМАСИ

Мазкур кўргазма ташкилотчиларидан бири, Сурхондарё вилояти "Гўштсутсавдо"си раиси Тиловмурод Умаров шундай дейди:

-Кўргазманинг қулай жиҳати шундаки, фермерлар, тадбиркорлар, савдо ташкилотлари ҳуқуқий кувватга эга бўлган ҳужжатлар асосида маҳсулот етказиб бериш, сотиб олиш борасида ҳуқуқий шахслар билан шартнома тузадилар. Бу ерда маҳсулотларнинг сифати кафолатланади, шунингдек, бозор нархидан 10 фоиз арзон бўлади. Кўргазмага ҳозирча 250 миллион сўмлик намунавий маҳсулотлар қўйилди. Унинг асосий қисмини "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик компаниясининг Бухоро, Тошкент, Қарши, Андижондаги турдош корхоналари муҳри босилган бежирим, сифатли кўйлак, пальто, шим, спорт либослари ташкил қилмоқда. Айтиш керакки, Ўзбекистон-Швейцария, Германия ҳамкорлигидаги "Хива-Карпет" қўшма корхонаси ишлаб чиқарган ажойиб гиламлар, Самарқанд чинни заводи маҳсулотлари, "Файзхолдинг" компаниясининг энг сўнгги нусхадаги гарнитурлари, "Ўзбекчарм" тизими корхоналари пойабзаллари ҳам кўргазмамиздан кенг ўрин олди.

"Истиқлол" кўргазмасида фаол қатнашаётган Самарқанддаги "Нафис" акциядорлик жамияти вакили Абдунаим Исломов ўз корхонасида ишлаб чиқарилган чинни буюмлар сурхондарёликларни ўзига жалб этаётганлигидан хурсанд эканлигини изҳор қилди.

- Шу йил 14-20 апрел кунлари мазкур "Истиқлол" супермаркетида ўтказилган кўргазмада 35 миллион сўмлик шартнома тузгандик. Бу галги кўргазмага нафис ва янада миллий тусга эга бўлган "Ургут нафосати", "Гултош" "Оқ олтин" сингари чинни буюмлар жамланмалари келтирилди.

**"Туркистон-пресс"**



**-Мулк эгалик бўлса унинг йўриғи бошқа, - дейди Хива туманидаги "Батрак" фермер хўжалиги бошлиғи Қўзибой ака Жуманиёзов. – Ихтиёримиздаги 24 гектар ернинг 6 гектарига буғдой экиб, 53 центнердан буғдой олдик. 25 гектарлик пахта майдонининг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил олишни мўлжаллаяпмиз.**
**СУРАТДА: фермер Қўзибой ака хўжалик аъзолари Манзура ва Нигора Шеровалар билан.**

Шавкат СОБИРОВ олган сурат.


**2003 ЙИЛ 5 АВГУСТДАН 10 СЕНТЯБРГАЧА**



***Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган мактаб ёзув қуроллари ва кийим-кечакларни сотувчи бозорлар, ярмаркалар ва бўлимларнинг жойланиши***



| № Ташкилотлар номи | Ярмаркалар сони | Турғун савдо дўконларидаги бўлимлар сони |
|---|---|---|
| "Савдо" ҳудудий акциядорлик компаниялари | | |
| 1. Қорақалпоқсауда | 6 | 7 |
| 2. Андижонсавдо | 8 | 10 |
| 3. Бухоросавдо | 7 | 10 |
| 4. Жиззахсавдо | 4 | 8 |
| 5. Қашқадарёсавдо | 7 | 10 |
| 6. Наманган савдо | 6 | 9 |
| 7. Навоийсавдо | 3 | 4 |
| 8. Самарқандсавдо | 9 | 15 |
| 9. Сирдарёсавдо | 4 | 8 |
| 10. Термизвилоятсавдо | 4 | 8 |
| 11. Тошкентвилоятсавдо | 8 | 15 |
| 12. Фарғонасавдо | 8 | 15 |
| 13. Хоразмсавдо | 5 | 7 |
| 14. Тошкент шаҳар ҳокимияти савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти | 11 | 24 |
| ЖАМИ: | 90 | 150 |

Ушбу мактаб бозорларида ўқув-ёзув қуролларидан - ўқувчилар дафтари, умумий дафтарлар, кундаликлар, расм дафтари, оддий ва рангли қаламлар, акварель бўёқлар, портфеллар мавжуд.

Мурожаат учун телефонлар: 139-13-15, 139-10-93

**ЯРМАРКАЛАРГА МАРҲАМАТ!**

**"ЎЗБЕКСАВДО"**
**АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ**


# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## ҚОЧОҚЛАР БИНОНИ ЭГАЛЛАШДИ

***Абхазиялик бир гуруҳ қочоқлар томонидан Грузия пойтахтидаги "Тбилметрострой" биносининг эгаллаб олингани ҳукуматни бефарқ қолдирмади.***



"Интерфакс"нинг маълум қилишича, давлат расмийлари бир ой муддат ичида қочоқларни турар-жой билан таъминлашга ваъда берган. Шаҳар четидаги мазкур икки қаватли бино аслида бир йилдан буён фойдаланилмай ётган эди. Қочоқлар бинони эгаллаб олганларидан сўнг, бу ерда кучайтирилган назорат ўрнатилди. Бундан уч йил аввал Э.Шеварнадзе қочоқлар учун фойдаланилмаётган бинолардан бири ажратилишини эълон қилган. Бироқ, бу ваъда амалга ошмай турганди.

Маълумотларга қараганда, "Тбилметрострой" биносини эгаллаб олган қочоқлар мазкур ташкилот директори Тамаз Дохнадзени ҳам гаровга олганлар. Агар бино қуролли кучлар ёрдамида қамалга олинадиган бўлса, қочоқлар ўзлари билан бирга гаровдаги директорни ҳам ёқиб юборишлари мумкинлигини айтишган.

## ЖАНГАРИЛАР ҚИДИРУВДА

***Чеченистоннинг Автура қишлоғига бостириб кирган жиноий гуруҳнинг бошида араб миллатига мансуб жиноятчи Абу ал-Валид турибди, дея шаҳодат берди "Новости" ахборот маҳкамаси.***




ИИВ маъмурининг билдиришича, гуруҳ таркибида 60 дан зиёд киши бўлиши мумкин. Унинг фикрига кўра, Автурадаги босқин Чеченистондаги вазиятни янада беқарорлаштириш мақсадида амалга оширилган. Гуруҳ икки қисмга бўлинган. 20 кишидан иборат дастлабки гуруҳ кун ярмида Автурага бостириб кирган ва маҳаллий комендатура билан отишма бошлаган. Соат 14.00 да иккинчи қуролланган гуруҳ қишлоққа бостириб кирган. Тўқнашув оқибатида битта давлат хавфсизлик хизмати ходими ҳалок бўлган ва битта милиционер жароҳат олган.

ИИВнинг хабарига қараганда, қуролли гуруҳ ўрмон ичига кириб яширингач, жанг майдонидан саккиз нафар жангарининг жасади топилган. Ҳозирча жангариларнинг тирик қолган қисмини қидириш ишлари давом этмоқда.

## "ТОЛИБОН" ҒИМИРЛАБ ҚОЛДИ

***Сешанба куни Афғонистон президенти Ҳамид Карзайнинг Қандаҳорда яшайдиган укасининг уйида портлаш уюштирилган. "Ассошиэйтед Пресс" ахборотига кўра, портлаш оқибатида ҳеч кимга зиён етмаган.***



. Ҳозирча Аҳмад Вали Карзайнинг уйида содир этилган портлашнинг ташаббускорлари аниқланганича йўқ. Афғон президенти укасининг уйи портлашдан кейин махсус назорат остига олинган. Расмий маъмурлар портлаш тафсилотлари билан боғлиқ ҳеч қандай маълумот бермаганлар. Хуруж "Толибон" тарафдорлари томонидан уюштирилган бўлиши мумкин, деган тахминлар бор.

"Рейтер"агентлигининг хабар қилишича, душанба куни "Толибон" ҳаракати жангарилари Лоғар вилояти полицияси билан тўқнашув содир этганлар. Натижада ўн киши ҳалок бўлган. Улар ичида Логар полицияси бошлиғи Абдулхолиқ ҳам бор.

## ЎН БЕШ ЙИЛДАН СЎНГ

***Ливия ҳукумати 1988 йил Шотландиянинг Локерби шаҳри узра Американинг "Панамерикэн" компаниясига тегишли самолётнинг портлаб кетиши оқибатида ҳалок бўлган йўловчиларнинг яқинлари учун компенсация тўловларини ажратди, дея маълум қилади "Интерфакс".***



Умумий қиймати 2,7 миллиард долларга тенг бўлган бу тўловни ўз эгалари номига расмийлаштириш учун қанча вақт кетиши номаълум.

Ўтган ҳафта сўнгида расмий Триполи 270 кишининг ўлимига сабабчи бўлган мазкур фалокатнинг масъулиятини ўз зиммасига олди. Ливия ҳукумати томонидан амалга оширилган бу одим мамлакатга нисбатан БМТ жорий этган санкциянинг олиб ташланишига сабаб бўлади. Тез орада БМТнинг хавфсизлик кенгаши бу масалани кўриб чиқиши кутилмоқда.

## ЯҚИН ШАРҚ ТИНЧЛИГИ АҚШ УЧУН МУҲИМ

***Яқинда Бағдод ва Қуддус шаҳарларида юз берган йирик террористик хуружлар АҚШ раҳбари Жорж Бушнинг Яқин Шарқ минтақасидаги сиёсий мавқеига бир қадар путур етказди. "The Los Angeles Times" газетасининг ёзишича, бу терактлар минтақада барқарорликни сақлаб тургани ҳақида ишонч билан гапираётган маъмурият учун ҳам муносиб зарба бўлди.***



Газетанинг ёзишича, август таътилида дам олаётган Буш бир финжон қаҳва ичиш учун гольф ўйинини тўхтатган пайтда кўтаринки кайфиятда "Ироқ озодлиги Яқин Шарқ осойишталиги учун замин яратади. Яқин Шарқдаги тинчлик эса АҚШ хавфсизлиги учун муҳимдир", деган эди.

Икки соатдан сўнг у ўз маслаҳатчилари билан Бағдоддаги портлашни асабий тарзда таҳлил қила бошлаганди. Тушдан сўнг у чиқиш қилиб террористлар ҳақида тўлқинланиб сўз юритаркан, уларни "тамаддун оламининг душманлари" дея баҳолаганди. Яна икки соат ўтар-ўтмас Қуддусда автобус портлаб турибди...

**Рустам БЕК тайёрлади.**


Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги "MUFAZZAL-SAVDO" масъулияти чекланган жамияти ўз Низом жамғармасини 2928500 сўмдан 1234621 сўмгача камайтираётганлигини маълум қилади. Тел.: 78-25-35.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокимлиги томонидан Баракаева Марғуба Гайбуллаевнага берилган ЖШ № 004929 (рўйхат рақами № 156)-рақамли чакана савдо билан шуғулланиш ҳуқуқи қайд этилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 8-касб-ҳунар мактаби томонидан 2001 йили Исаев Яҳё Ҳақназаровичга берилган КНТ № 010480-рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги томонидан 2002 йил 14 майда якка тартибдаги тадбиркор Семейкина Карина Рубеновнага берилган № 0413946-рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан 1999 йили Баракаева Маргуба Гайбуллаевнага берилган № 0409800-рақамли хусусий тадбиркорлик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.



**ШИРКАТ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**КУНГАБОҚАР УРУҒИ СОТИЛАДИ**



*"Ёғмойтамакисаноат" уюшмасининг "МТ Инвест-Импэкс" фирмасида сотиш учун Ўзбекистон шароитига мослаштирилган 30 тонна Молдова Республикасидан келтирилган Дурагай (Гибрид) кунгабоқар уруғлари мавжуд. Тўлови пул кўчириш йўли билан амалга оширилади. Етиштирилган ҳосилни ёғ заводлари шартнома асосида қабул қилади.*

**Мурожаат учун телефонлар:**
**152-52-84; 152-61-96; 55-39-16.**

## SPORT OLAMIDA

### ЧАВОНДОЗЛАР МУСОБАҚАСИ

***Москва вилоятининг Химик шаҳарчасида зотли отлар ўртасида 5-жаҳон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. 60 километрлик масофа бўйича ўтказилган пойгада мамлакатимизнинг "Тореми" лақабли уч ёшли оти маррага биринчи бўлиб етиб келди ва бош совринни қўлга киритди.***

Ушбу муваффақиятда тажрибали чавандоз, спорт устаси Жўрақўзи Турдиматовнинг хизматлари катта бўлди. Шу боис ҳам унга Аргентинанинг Россиядаги элчиси томонидан махсус кубок ва ёрлиқлар топширилди. Бугундан Сокольникида ўтадиган мусобақаларда эса мамлакатимиз шарафини 8 ёшли "Ураган" ва "Чап" лақабли отлар ҳимоя қилади. Шунингдек, 4-7 сентябрь кунлари Москва шаҳри мэри кубоги учун бўладиган йирик халқаро турнирда ҳам мамлакатимиз чавандозларининг иштироки кўзда тутилмоқда.

### "ЖАР"ДА САМБО ФЕСТИВАЛИ

***Ўтган куни пойтахтимиздаги "Жар" спорт саройида аёллар самбоси бўйича навбатдаги фестивалга старт берилди.***

Унда Осиё чемпионати ҳамда самбо юлдузлари иштирокида жаҳон тождорлиги баҳсларига ҳам ўрин берилади. Фестивал 25 августгача давом этади.

### ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНДИ

***Жиззах шаҳрида мустақиллигимизнинг 12 йиллигига бағишлаб маҳалла ёшлари ўртасида шохмот-шашка мусобақаларининг финал босқичи ниҳоясига етди.***

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Республика Кенгаши ташаббуси билан бошланган мазкур беллашувлар тўрт босқичда - маҳалла, туман (шаҳар), вилоят ҳамда мамлакат миқёсида ташкиллаштирилганди. Ёзги таътил ойларида ёшларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш ва ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уюштирилган мусобақаларнинг дастлабки босқичида 150 мингга яқин болажонлар иштирок этишди. Жиззах шаҳридаги ёшлар маркази биносида ўтказилган финал мусобақаларида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан ташриф буюрган 56 нафар ёшлар ғолиблик учун дона суришди. Уч кун давом этган қизиқарли баҳсда ёшлар икки гуруҳга бўлинган ҳолда беллашдилар. Мусобақаларда фарғоналик Олим Тоштемировга ғолиб бўлиш насиб этди. Қизлар баҳсида эса Гулбаҳор Шодиевага тенг келадиган рақиб топилмади.

### ДУГОНАЛАРИНИ ОРТДА ҚОЛДИРДИ

***Тошкент шаҳридаги 16-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби (БЎСМ)да болалар иштирокида уюштирилган шохмот мусобақаси истиқлолнинг 12 йиллигига бағишланди.***

Унда ёш спортчилар 5 гуруҳга бўлинган ҳолда дона суришди. Муросасиз, қизиқарли ўтган баҳсларнинг 10 ёшгача бўлган болалар гуруҳида рақибларидан устунлигини намойиш этган Ойбек Муслимов ғолиб деб топилди. Шунингдек, 12 ёшлилар ўртасида Евгений Пак, иккинчи гуруҳда Александр Касьян, 16 ёшли шохмотчилар ўртасида эса Элёр Назаровга тенг келадигани топилмади. Қизлар гуруҳида эса маҳорат билан дона сурган Настя Сухаронова барча дугоналарини ортда қолдирди.

### ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

***Чорвоқдаги Хожикент сув омборида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон кубоги баҳслари бўлиб ўтди. Уч кун давом этган беллашувларда каноэнинг яккалик баҳсларида А.Бобожоновга биринчи ўрин насиб этди.***

У 100 метрлик масофани биринчи бўлиб босиб ўтди. Шунингдек, 50 метрлик масофани босиб ўтишда ҳам унга тенг келадигани топилмади. Байдарканинг яккалик мусобақаларида 1000 метрни дастлаб Г.Соцкий босиб ўтди. 500 метрга ҳаммадан аввал етиб келиш ҳам Г.Соцкийга насиб этди. Каноэ ва байдарканинг жуфтлик баҳсларида А.Бобожонов – С.Борзов, Д.Коваленко – Р.Мирсодиқовларга, аёллар ўртасида эса каноэ баҳсларининг яккалик беллашувларида Ю.Борзовага омад кулиб боқди. Чемпионат якунида ғолиб ва совриндорлар эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

### ЧЕМПИОНАТ ЯКУНЛАНДИ

***"Жар" спорт мажмуида истиқлолимизнинг 12 йиллигига бағишлаб ўтказилган кикбоксинг бўйича Ўзбекистон очиқ чемпионати баҳслари ниҳоясига етди.***

Ушбу мусобақаларда ўзбекистонликлар билан бирга Қозоғистон ва Қирғизистондан ташриф буюрган кикбокс усталари 12 вазн тоифасида икки йўналишда ўзаро кураш олиб боришди. Ғолиблик учун беллашган 250 нафар спортчи орасида юртдошларимиздан Темур Муҳаммаджонов, Шавкат Ўроқов ва Шуҳрат Юсуповлар олтин медаллар эгасига айланишди. Умумжамоа ҳисобида ҳам биринчилик Ўзбекистон терма жамоасига насиб этди. Чемпионат мусобақаларидан сўнг Осиё чемпионлиги учун профессионаллар ўртасида учрашувлар ташкил этилди. Унда россиялик Юрий Карповни икки раундда мағлуб эта олган ҳамюртимиз Неъмат Бобомуҳамедов Осиё чемпиони деб эътироф этилди.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

# БЕРУНИЙНИНГ АҚЛ МАШЪАЛИ

**(Боши 1-бетда)**

Унинг мақсади илмнинг энг баланд чўққисини мумкин қадар забт этиш бўлган. Ниятига қисман эришди ҳам. Берунийнинг 70 та астрономия, 20 та математика, 4 та картография, 3 та метеорология, 3 та минерология, 1 та физика, 1 фармакология, 15 та тарих ва этнография, 4 та фалсафа, 18 та адабиётга доир асарларидан бугунги кунда ҳам ҳатто хорижликлар фойдаланишмоқда. X-XI асрларда ақидапарастлар, золимлар зулми, турли тўқнашув ва зиддиятлар авж олган пайтда бундай кенг қамровли, қомусий илмлар билан шуғулланишнинг ўзи Берунийнинг даҳолигидан нишонадир.

Айтишларича, бир куни Хоразм шоҳи Маъмун отда олимнинг ҳужраси остонасига келиб, уни йўқлайди. Аммо Беруний ҳадеганда ташқарига чиқавермайди. Шунда сабри чидамаган шоҳ, от жиловини тўғри ҳужра томон буриб, уловдан энди тушмоқчи бўлиб турганида, олим ҳужрадан чиқади ва шоҳдан узр сўрайди. Шунда ҳукмдор:

-Эга бўлинадиган нарсаларнинг энг шарафлиси илмдир, барча илмга интиладию, лекин илм унга келмайди. Дунёвий расмиятчилик бўлмаганида эди, мен сени йўқламас эдим, илм ҳар нарсадан юқори, ҳеч нарса ундан юқори бўла олмайди. Илмни чақирган билан, буюрган билан келмайди. Илмга ўзинг талпинишинг, ҳар қандай жилвакор оту эгардан илм олдида пастга тушишинг керак, - дейди.

Ҳа, Беруний бобомизнинг илм салоҳияти олдида Маҳмуд Ғазнавий ҳам "отдан тушганди". Зеро, аллома ўз давригача биринчи бўлиб ҳамма жисмлар ер марказига тортилишини, Ер курра эканини ҳамда табиат объектив бўлиб, ўз қонуни бўйича ўзгариб туришини айтганди.

Шунингдек, аждодимиз жўғрофия фанини ривожлантириб, ўзининг "денгизлар назарияси"ни яратди. У Птоламей қоидасини инкор қилиб, Африка жануб томондан океан билан ўралган, деб қаттиқ ишонади. Бундан ташқари у киши дунёда биринчи бўлиб сферик жўғрофий тасвирини – Ер глобусини яратади. Ўрта Осиё халқларининг жўғрофик жойлашуви Болтиқбўйи ва Шимолий Муз океанига яқин мамлакатлар ва халқлар ҳақидаги ишончли маълумотларни тўплайди. Биринчи бўлиб ер шарининг схематик харитасини яратади.

У шоҳ Маъмун саройидаги "Дорул ҳима"да ҳам, кейинчалик Ғазнавий ёнида сафардош бўлиб Ҳиндистонга 12 марта борганидаям илм сари талпинади. Ҳиндистон ҳақида илмий маълумотларга эга бўлиш мақсадида, қадимги ҳиндларнинг адабий тили бўлган санскрит тилини ўрганишга, умуман Ҳиндистон мавзуси билан машғул бўлишга умрининг 20 йилини сарфлайди.

Умуман, Берунийнинг илм ила ёритган ақл машъаласи инсоният ҳаётини абадул абад ёритиб туради. Жамият тараққиёти нуқул илм билан боғлиқ экан, немис олими Э.Зухау таърифлаганидек, "Фан океанида яккаю ягона хазина бу – Берунийдир".

**Умид БЕКМУҲАММАД,**
**"Қишлоқ ҳаёти"**
**мухбири.**

## ОЙГА ЙЎЛ

***Европа фазо агентлиги ҳам Ойни забт этишга киришмоқда. Шу йилнинг 4 сентябрида Франциянинг денгизорти департаменти ҳисобланган Гвианадаги Куру оролидан Smart-1 фазо кемаси Ойга парвоз қилади.***

Учувчисиз бошқариладиган мазкур қурилма парвози аслида шу йилнинг март ойида амалга оширилиши керак эди. Ўтган йилнинг декабрида қурилмани фазога олиб чиқиши керак бўлган «Ариан-5» элтувчи ракетасининг ҳалокати бу режани бирмунча кечиктирди.

Smart-1 фазо кемасининг асосий вазифаси Ойнинг устки қатламини ўрганиб чиқишдан иборат. Бундан кўзланган мақсад эса йўлдошнинг қай тарзда шаклланганини аниқлашдир.

Орбитада Smart-1 элтувчи ракетадан ажралиб чиқади ва қуёш энергияси ҳисобига парвозини давом эттиради. Қурилма белгиланган манзилга ўн беш ойдан сўнг етиб бориши тахмин қилинмоқда.

Smart-1 қурилмасига ион зарядлари билан ишловчи ракета двигатели ўрнатилган. Зарур бўлганда у ўзидаги қуёш батареяларидан оладиган энергия ёрдамида тезлигини ошириши мумкин.

Қурилма рентген нурлари ёрдамида Ойнинг харитасини тузиб чиқиши керак. Барча тадқиқотлар Ой атрофидаги парвоз жараёнида амалга оширилади. Қурилманинг Ойга қўндирилиши кўзда тутилмаган.

Европа фазо агентлигининг ушбу тажрибаси муваффақиятли якунланса, жаҳон оммаси Ойнинг дунёга келиши тарихидан бохабар бўлиши шубҳасиз. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, Smart-1 тоифасидаги технология амалиётда фақат бир марта, АҚШ фазони тадқиқ этиш ва аэронавтика миллий маркази (НАСА) томонидан қўлланилган эди.

**Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ**

## ҒАЛВАДАН ХОЛИ

***Буюк Британиянинг машҳур QinetiQ фирмаси ажойиб кийиниш хонасини ихтиро қилди. Энди одамларнинг кийим танлаш масаласидаги иккиланмайдилар.***

Бир қанча рақамли фотокамералар ўрнатилган кийиниш хонасига киришингиз биланоқ, ускуналар сизнинг тана ўлчамларингизни олади. Сўнгра танангизга мос, ярашиқли уст-бошнинг руйхатини чиқариб беради. Бундан осон кийим танлаш йўли бормикан?

Ҳар бир кийиниш хонаси унчалик катта эмас. Бироқ унга олтита фотокамера ўрнатилган. Камераларнинг бари уч ўлчамли тасвирни бериб, инсон танасининг мингдан ортиқ нуқтасини ҳисоблаб чиқади. Янги ускуналар оддий ўлчовларга нисбатан юз баравар аниқроқ маълумотларни тақдим этади. Бундан ташқари, янги тизим тананинг яқин беш йил ичидаги физиологик ўзгаришларни ҳам тахмин қилиш имкониятини беради.

**ТУРФА ОЛАМ**

QinetiQ мутахассисларининг айтишича, янги фотокамералар яқин орада савдога чиқарилмайди. Бироқ, АҚШ ва Европа кийим бозорларида бундай мосламаларга эҳтиёж кучайишига шубҳа йўқ.

Ҳисоб-китобларга кўра, инсон танасининг ҳар бир ҳужайрасигача кузата оладиган ушбу тизим йигирма минг фунт стерлинг туради. Унинг устунлиги шундаки, камералар ўз ишини пухта бажаради. Бир инсонни иккинчи бор қайта ўлчашга эҳтиёж қолмайди.

Ушбу камераларни кийинишдан бошқа яна қатор соҳаларда қўллаш мумкин. Масалан, хавфсизлик назоратида. Фотокамералар одамларнинг бирор бинога кириб-чиқишида текширувини осонлаштиради. Бунда асосан одамнинг юзи тизим хотирасида муҳрланади. Ихтирочиларнинг сўзига кўра, фотокомералар, ҳатто эгизакларни фарқлашда ҳам хатога йўл қўймаган. Бу уларнинг аъло сифатидан дарак беради.

**Шаҳноза МАТНАЗАРОВА**




М.ХЎЖАМБЕРДИЕВ олган сурат-лавҳа.

## БОШДАН ҚУЛОҚ САДАҚА

**НИМТАБАССУМ**

-Автобус кутиб турибсизми?

-Йўқ. Автобус кутиб турибман.

-Мен сизни автобус кутиб турибди десам...

-Нима? Қаттиқроқ гапиринг?!

-Ҳа, ҳа, милиционерни безорилар пичоқлаб кетишибди, дейишяпти?

-Тўғри айтасиз, ҳозир қиз билан йигит... ҳатто кўз олдингда ўпишади...

-Жиққа мушт бўлибди, дейсизми? Кимлар экан? Ҳокимлармиь?

-Сиз қачондан буён эшитмайсиз?

-Эшитаман-куя,қулоғим кар.

-Сиз ҳам эшитмайсизми?

-Носингиз борми?

-Нима?

-Носингиз борми, деяпман!

-Ҳа, пенсиямни ҳали олмадим.

-Нос отмайман дейсизми? Ёшингиз нечада?

-Кампирим бултур ўлган. Болам қариялар уйига топшираман, дейди.

-Йиғламанг. Тағин бироз кутайлик?

-Набиралик бўлдингизми?

-Тиззам оғрияпти.

-Набирали бўлдим, дейсизми? Қутлуғ бўлсин!

-Нима?

-Қутлуғ бўлсин!

-Қудаларим соғ-саломат юришибди.

-Қурбақаларим сакраб юрибди, дейсизми?

-Қудаларим соғ-саломат, деяпман!

-Исмимни сўраяпсизми, Мижман. Сизнинг исмингизчи?

-Намоз ўқийман.

-Нима? Наманганга бориб келдингизми?

-Ҳа, йўқ, пешин намозига ҳали вақт бор.

-Автобус чиптаси қиммат! Келинлар Наманганга бориб, тижорат билан шуғулланиб юришибди.

-Нима?

-Тижорат.

-Йўғ-е, хижолат бўлманг. Ёшлар ҳозир шунақа бўп кетган.

-Ҳа, сўраманг. Ҳаво роса исиб кетди.

-Қария, ҳали бери автобус келмайдиганга ўхшайди, яёв кетамиз.

-Майли, чой ичгани десангиз, бораман. Чақирган ердан қолма, дейишган, борсам борай!

-Йўқ, раҳмат! Мени кузатмай қўя қолинг. Уйим яқин.

-Бошим оғрияпти, чой ичсам ичай. Яхши одам экансиз. Юринг, кетдик!

-Сиз ҳам оққўнгил экансиз, майли анави ергача кузатиб қўйинг.

Бир-бирини қўлтиқлаб олишган қариялар аста-секин кетишяпти. Бошдан қулоқ садақа, дейишади донолар. Бош омон бўлсин, ҳайтовур.

**Қозоқчадан Қидирбой ТЎЛАБОЕВ таржимаси.**

*Билиб қўйган яхши*

## АТИРГУЛ ЧАРЧОҚНИ ЁЗАДИ

***Токионинг "Касима" қурилиш компанияси эндиликда хизматчилар ишлайдиган ҳар бир хонага компьютер орқали иқлимни мослаштириб турадиган қурилма ўрнатди.***

Қурилма вақти-вақти билан хона ҳарорати ва ҳидини ўзгартириб туради. Жумладан, эрталаб хоналарга лимон дарахтининг хуш ҳиди таралади. Бу ҳид одамларга тийраклик бағишлайди, демак ишлашга иштиёқ кучаяди. Тушлик пайтида эса хизматчилар атиргулнинг муаттар бўйидан баҳраманд бўладилар. Мутахассисларнинг аниқлашларича, атиргул ҳиди чарчоқни чиқараркан.

## ДАРАХТ БИЛАН УНАШТИРИЛДИ

***Непалда ғаройиб бир урф-одат бор. 8-12 ёшли қизларни дарахт билан унаштириб қўйишади.***

Буни непалликлар қуйидагича изоҳлайдилар: қадимда бу ерликларнинг одатига кўра, эри ўлган аёлни шафқатсизларча оловга ташлаб, ёқиб юборишар экан. Ана шу адолатсиз ҳукмни четлаб ўтиш учун ёш қизларни дарахт билан унаштириш маросимини ўйлаб топишганким, эри қазо қилган аёл бева бўлиб қолмай, дарахтнинг "қаллиғи" сифатида яшаш ҳуқуқига эга бўлади.

## ҚАНЧА ЕР КЕРАК?

***Олимларнинг илмий изланишлари қуйидаги хулосани келтириб чиқарди: руҳий мўътадиллик ва моддий бекаму кўст яшамоғлик учун ҳар биримизга 2 гектар атрофидаги ер майдони зарур экан.***

Озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун эса 0,6 гектар, уй-жой ва ишлаб чиқариш заруратлари учун 0,2 гектар керак бўлади.

**Баҳодир ҲОТАМОВ тайёрлади.**

# "ИССИҚ-СОВУҚ" БОР НАРСАМИ?

**АЖАБО**

***Олим ака туман шифохонасида кассир бўлиб ишлайди. Обрўйи баланд, қишлоқда уни ҳамма ҳурмат қилади. Оилали, ширингина бир-биридан ёқимтой тўртта фарзанди, икки ўғил, икки қизи бор.***

Шу кунларда Олим ака кўп ичадиган, уйга келиб бўлар-бўлмасга жанжал чиқариб, хотинини калтаклайдиган одат чиқарди.

Бир куни у яна ичиб келди. Хотинига "сенга жавоб, бор кетавер, сени уч талоқ қўйдим. Менга қорангни кўрсатма. Мана шу зумрашаларингни ҳам олиб кет", дея ўшқирди ва каравотга зўрға чиқиб кийимларини бирин-кетин ечиб ота бошлади. Хотини Хадича индамайгина чиқиб кетди ва тўғри қайнонасининг олдига борди. Бўлган воқеани айтди. Якшанба куни эди, ҳамма уйда. Зайнаб момо:

-Тинчликми ўзи, нима бўлди, нимага ундай қилади, - деб турганда ичкаридан Маҳмуд бобо чиқиб қолди. Келинининг бемаҳалда келганини кўриб, "Ҳа, нима гап ўзи, тинчликми?" деб сўради у.

Хадича келин қайнота ва қайнонасини уйига бошлаб борганда Олим ака каравотда ярим яланғоч ҳолатда хуррак отиб ухларди. Хадича келин нима қиларини билмай, тимирскиланди. Хадичанинг хижолат бўлаётганини кўрган Маҳмуд бобо:

-Келин, сиз ишингизни қилаверинг, бу бойвачча билан биз эртага гаплашамиз, - деди-да, Зайнаб момо билан иккаласи шивирлашиб чиқиб кетишди.

Олим ака эртаси куни эрталаб туриб, ҳеч нарсани кўрмагандай ишга кетди. Кечга яқин ишдан келди ва яна кечаги воқеа такрорлана бошлади, лекин бу сафар Олим ака ичмаган, унинг "кайфи" йўқ эди. У жиддий гапирарди. "Хадича, сенга жавоб, бор, кетавер! Менга қорангни кўрсатма".

Хадича опанинг кўзларида ёш шашқатор, қўлида кичкина қизчаси, нарсаларини йиғиштира бошлади.

Қариндош-уруғлар ҳам йиғилишди. Қишлоқ оқсоқоллари "Олимжон, эсинг жойидами, ахир бир-биридан ширин тўртта фарзандинг бор", деб яхши-ёмон гаплардан гапириб, маслаҳат қилишди.

Ҳеч кимнинг гапи кор қилмади. Олим ака ўз сўзида қатъий туриб олганди. Кўзига ҳеч нарса кўринмасди.

-Йўқ, бунинг бошқа сабаби бор, - деди-да, Зайнаб момо қўшни қишлоққа йўл олди. Тўғри Фотима фолбинникига борди. Бўлган воқеа-ҳодисани фолбинга тушунтирди. Фотима фолбиннинг уқтиришича, ўғлини иш жойидан кимдир "иссиқ-совуқ" қилдирган экан.

Зайнаб момо эртаси куни Олим акани олиб бориб "қайтарма" қилдирди ва яхшилаб фолбинга "ўқиттирди"...

Орадан бир ҳафта вақт ўтди. Олим ака ўзи бориб Хадича опа ва фарзандларини олиб келди.

**Ёрмамат ЭГАМБЕРДИЕВ**

## БОШҚОТИРМА

**Давронбек ТОЖИАЛИЕВ тайёрлади.**




"Қишлоқ ҳаёти" газетаси таҳририяти Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари, "Қишлоқ ҳаёти" газетаси жамоатчилик кенгаши аъзоси Ойбек Яқубжоновга акаси
**Қаҳрамон ЯҚУБЖОНОВ**нинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари Ойбек Яқубжоновга акаси
**Қаҳрамон ЯҚУБЖОНОВ**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир **ЎТКИР РАҲМАТ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

**ТЕЛЕФОНЛАР:** **Қабулхона** – 136-58-83. **Бош муҳаррир ўринбосарлари** – 133-16-27, 133-44-43. **Котибият** – 136-56-30. **Ижодий гуруҳлар** – 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. **Факс** – 133-09-93, 133-40-87

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:** **Қорақалпоғистон Республикаси** – 8-361-58-512-17; **Андижон** – 8-374-2-25-32-23; **Бухоро** – 8-365-22-322-25; **Жиззах** – 8-372-22-648-72; **Навоий** – 8-436-22-588-56; **Наманган** – 8 – 369-43-311-81; **Фарғона** – 8-373-61-221-97; **Самарқанд** – 8-366-233-00-52; **Сурхондарё** – 8-376-46-526-61; **Сирдарё** – 8-367-225-41-73; **Тошкент** – 8-371-136-56-21; **Хоразм** – 8-362-22-623-50; **Қашқадарё** – 8-375-22-517-65.

**Реклама ва эълонлар бўлими телефони:** **133-44-43, 136-58-83.**

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

**Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар**

**Навбатчи:** А.КАРИМОВ

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.**

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-721, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00. Адади 16 114

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

E-mail: kishlokhayati@ars-inform.uz

1 2 3 4 5 6